

2. Вилоят Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш бошқармаси (Худойқулов) "Navoiy viloyati toza hudud" давлат унитар корхонаси (Алдамуратов), ихтисослаштирилган санитария-тозалаш ташкилотлари шаҳар ва туман ҳокимлеклари билан биргаликда;

бир ой муддатда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорликда қаттиқ майший чиқиндиларни йигиш ва олиб чиқиш хизмати бўйича абонентлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш ва тўловларнинг ўз вактида амалга оширилишини таъминлаш бўйича самарали ишлар ташкил этилишини;

аҳоли пунктлари худудидан қаттиқ майший чиқиндиларни олиб чиқиш хизмати бўйича маршрутлар жадвалларини кайта кўриб чиқиб тасдиқланишини ва тасдиқланган жадваллар асосида чиқиндиларни ташишни амалга оширилишини таъминласинлар.

3. Вилоят молия бўш бошқармаси (Очилов) вилоят Газначилик бошқармаси (Шукуров) билан биргаликда:

бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг харажатлар сметасида қаттиқ майший чиқиндиларини ташиб чиқариш харажатлари бўйича белгиланган нормативлар асосида зарур маблағларни режалаштирилишини;

"Navoiy viloyati toza hudud" давлат унитар корхонаси ҳамда ихтисослаштирилган санитария-тозалаш ташкилотлари билан бюджет ташкилотлари ўртасида тузиладиган тегишли шартнома шартларига кўра маблағларни ўз вактида молиялаштирилишини таъминласин.

4. Вилоят ҳокимининг 2018 йил 24 декабрдаги "Қаттиқ ва суюқ майший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари учун тарифларни белгилаш тўғрисида"ги К-392-сонли қарори ("Дўстлик байроби" газетаси, 25.12.2018 йил, 102-сон (3865)) ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

5. Вилоят ҳокимлиги ахборот-таҳдил гурӯҳи (Мамаражабов), вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази" давлат унитар корхонаси (Фармонов) ушбу қарорни "Дўстлик байроби" ва "Знамя дружбы" газеталарида расман эълон қилинишини ва вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласинлар.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари У.Раззоков ҳамда вилоят ҳокимининг ўринбосари К.Расулов зиммаларига юклатилсин.

7. Мазкур қарор 2019 йил 15 августидан бошлаб кучга киради.

Вилоят ҳокимига

К.Туреунов

